

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК:

**ТОШБОЕВ БЕКЗОД БАХТИЁРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.01 – “Иқтисодиёт назарияси”

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН  
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари  
номзоди, доцент О.Т. Сатторкулов

**Тошкент - 2023**

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
<b>I БОБ. ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>14</b>
1.1-§. Импорт ўрнини босувчи кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг назарий жиҳатлари.....	14
1.2-§. Импорт ўрнини босишга асосланган иқтисодий ўсиш турларининг услубий асослари.....	25
1.3-§. Ишлаб чиқаришда импорт ўрнини босувчи механизмни қўллашнинг жаҳон тажрибаси.....	36
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	52
<b>II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....</b>	<b>54</b>
2.1-§. Ўзбекистонда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	54
2.2-§. Иқтисодиётда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришмасалалари.....	80
2.3-§. Худудларни барқарор ривожлантиришда импорт ўрнини босиш механизмидан самарали фойдаланиш муаммолари.....	100
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	123
<b>III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....</b>	<b>125</b>
3.1-§. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ўсишини таъминлашнинг янги манбалари ва захиралари.....	125
3.2-§. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришнинг институционал тизимини такомиллаштириш.....	137
3.3-§. Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикасида импорт ўрнини босувчи иқтисодий ўсиш модели.....	156
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	171
<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....</b>	<b>173</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>176</b>
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>185</b>

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобаллашув жараёнлари кенгайиб, халқаро рақобат кескинлашиб бораётган шароитда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашга йўналтирилган саноат сиёсатининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. UNCTAD маълумотларига кўра, “кейинги беш йил давомида дунё ялпи ички маҳсулотининг 90 фоиздан ортиқ қисмини ишлаб чиқарувчи қарийб 80 дан ортиқ мамлакатлар томонидан саноатни ривожлантириш борасида истиқболли стратегиялар ишлаб чиқилган ва бугунги кунда улардан амалда кенг фойдаланиб келинмоқда”<sup>1</sup>. Ишлаб чиқилаётган ва амалга оширилаётган саноат сиёсатининг янги авлоди ўз олдига қўйилган мақсадларнинг хилма-хиллиги ва фавқулдда мураккаблиги билан алоҳида ажралиб туради. Жаҳонда юз бераётган глобал иқтисодий инқироз шароитида иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва глобаллашувнинг жадаллашуви шароитида ишлаб чиқариш пасайишининг олдини олиш, дунёда саноатлаштириш сиёсатининг янги босқичга кадам қўйиши, мамлакатларнинг барқарор ривожланиш мақсадларига интилишлари бу борадаги ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади.

Жаҳонда кучайиб бораётган глобал рақобатга жавобан миллий иқтисодиётдаги импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш тадқиқига йўналтирилган илмий изланишлар ўз аҳамиятини намоён этмоқда. Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида маҳаллийлаштириш дастурларини самарали амалга ошириш, импорт жараёнларини тартибга солиш орқали асосий макроиқтисодий нисбатлар ва мувозанатни таъминлаш, “яшил технологиялар”ни изчил жорий қилиш ва иқлим ўзгаришларига қарши курашиш орқали миллий ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини таъминлаш,

---

<sup>1</sup> [https://unctad.org/system/files/official-document/aldc2020d2\\_ru.pdf](https://unctad.org/system/files/official-document/aldc2020d2_ru.pdf)

импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришда рақамли иқтисодиёт ва инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш каби масалаларни тадқиқ этиш бу борадаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш асосида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги Ўзбекистон Стратегиясида “юқори технологияларга асосланган қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш”<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали амалга оширилиши муайян тармоқдаги импорт ўрнини босувчи лойиҳани амалга оширишнинг муҳимлиги даражасини баҳолаш, юқори сифатли ва нисбатан арзон хомашё, бутловчи қисмлар ва бошқа ёрдамчи материалларнинг кичик маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилишига асосланган ихтисослашган саноат кооперациясини ташкил этиш орқали импорт ўрнини босувчи йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятининг рақобатбардошлигини ошириш, худуддаги кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги соф экспортнинг мақбул даражалари таъминлаган корхоналар фаолиятини кредитлашда маҳаллий ҳокимият томонидан рағбатлантириш чораларини қўллаш, тармоқларнинг импорт ўрнини босиш жиҳатдан иқтисодий салоҳиятининг турли ҳолат вариантлари асосида ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг узоқ муддатли прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни тақозо этади.

---

<sup>2</sup> Ш. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон Стратегияси. -Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021.464 бет.